*Мулоҳаза учун мавзу*

# ЙИГИТЛИК ҒУРУРИ — МУҚАДДАС ТУЙҒУ

## БИРИНЧИ ВОҚЕА

У ҳарбий хизматдан қайтгач, айрим тенгдошлари қатори бир-икки ойлаб ўйнаб-кулиб юришни хоҳламади. Уч-тўрт кун ўтиши биланоқ ишга жойлашди. Кенжатойининг бу тутган йўлидан муштипар онанинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Унга эрта-ю, кеч яратгандан соғлик ва бахт тилади. Кўкламга чиққач: «Боламнинг кўнгли ўксимадимикин? Отасининг йўқлигини сездириб қўймадимми?!» деган хаёл билан тезроқ уйлаб қўйишни дилидан ўтказди. Ўғил ва келинларини тўплаб, мақсадини ўртага ташлади. Келинлардан бири «Зохиджоннинг ёқтириб юрган қизи бўлса керак. Бир оғиз сўраб қўйсак чакки бўлмасди» деб қолди. Бу ҳаммага маъқул тушди.

Кутилгандек бўлиб чиқди.

— Келинингиз ҳақ экан. Қўшни қишлоқдаги бир қиз билан танишлигини айтди, — дейди ўртанча ўғил Зокир орадан икки-уч кун ўтгач онасига.

Ниҳоят, икки томон тўй тараддудига киришишди. Қизнинг ота-онаси ҳам қудаларга «Қизимизни Сиздек муътабар онахонга келин қилиб берамиз, албатта» дея жавоб қилишди. Дилкаш, ширинсухан оиланинг қизини келин қилаётганлигидан онанинг қувончига-қувонч қўшилди. Зоҳид ва Матлуба эса орзу-ўйлари, муҳаббатлари ўзларига ҳамроҳ бўлаётганлигидан бахтли эдилар. Бироқ...

Бироқ уларнинг соф муҳаббатига бир оғиз ўйланмай айтилган гап нуқта қўйишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаганди. Айниқса, Зоҳиддаги йигитлик ғурури ҳам ҳаммасини чиппакка чиқарди. Яқинлари: «Айтса-айтар, нима қипти, қайсарлик қилма» деб уни йўлга солишмоқчи бўлишди. Лекин у шаштидан қайтмади. Кечга томон Матлубанинг ишхонасига борди.

— Кечирасиз, мени сизга бўлган муҳаббатимни ҳеч ким тортиб ололмайди, деб ўйлаган эдим. Афсуски... — дея сукут сақлади Зоҳид.

— Нима гап ўзи? — таажжубланди Матлуба гап нималигини тушунмай.

— Дадангиз... дадангиз «Бир етим бола экан. Тўйини ҳам, янги уй-жойини хам ўзим қилиб бераман», — дебдилар бир танишимга.

— Бор гап шу холос-ми?, — деди Матлуба бепарвогина.

— Ҳа, шунга. Балким, бу сиз учун оддий гапдек туюлаётгандир. Лекин мендаги йигитлик ғурури икки кундан бери оромимни бузади. Албатта, бир кун бу гапдан ҳамма хабар топади. Мен эса маҳалла-куйда, дўстларимнинг олдида бош кўтариб юришим керак, — дея Зоҳид хонадан чиқиб кетар экан оҳистагина: «Хайр, мени тушунган бўлсангиз, кечиринг... деди...

## ИККИНЧИ ВОҚЕА

Унинг хотини бетоб бўлиб икки гўдаги билан онасининг уйига кетганига бир ойдан ўтганди. Анчадан бери кузатиб юрган оғайниси бир куни тасодифан гап очди:

— Анаву келинчак биланораларингда бир гап борга ўхшайди-ку, жуда қадрдон бўлиб кетибсизларми? Яна «илиниб» қолмагин, икки ўғлинг бор-а, дўстим, — деди ҳазил-мутойиба билан.

— Нима қипти. Уйлансамуйланавераман. Ҳар ҳолда дадаси «бақувват» экан, — дея мағрурланди Нодир.

— Шу гапни жиддий айтаяпсанми?! Унчаликка борма!, — деди бироз жиддий оҳангда Бахтиёр.

— Сен бу ёғини эшит, дўстим. Тунов куни дадаси: «Танишингни машинаси эски кўринади. Ҳеч ташвишланмасин, тўйдан кейин «06» қилиб бераман», деб айтибди, — дея оғайнисининг фикрини бўлди Нодир.

— Қуйсангчи, биродар! Ахир хотинингни тирноғига ҳам арзимайди-ку. На ҳусн, на хулқ-адаби, — аччиқланди Бахтиёр, — Бойлик деб, гулдек хотинингдан, шириндан-шакар ўғилларингдан воз кечмоқчимисан?!.

— Эй, жуда қизиқ экансанда. Аёл зотининг ҳаммаси ҳам бир. Фарзанд бўлса, ҳали ёшман. Худо яна ўғилларни берар. Муҳими тез кунда «06» билан бир қаторда дўкондор ҳам бўлиб қоламиз, оғайни...

Орадан кўп ўтмай Нодир ниятини амалга оширди. Дангиллама ҳовли-жой, дўкон, енгил машинага эга бўлди. Ойлар ортидан йиллар қувиб ўта бошлади. Хотинини хасталиги учун дўхтирлар фарзанд кўриш мумкин эмаслигини тез-тез эслатиб қўйишарди. Аммо кунларнинг бирида хотини яқин орада фарзандлик бўлишини айтиб қолди. Нодир бир хурсанд бўлса, яна қалбида қандайдир безовталикни ҳис этарди. Кўп ўтмай уни шубҳага солган ўй тўғри бўлиб чиқди. Хотини ва ҳали дунёга келмаган гўдак бевақт оламдан ўтди.

Хонадонидан ҳали аза кўтарилмаган кунларнинг бирида қайнотаси чақиртириб қолди.

— Мен қизимнинг бахти, яхши яшаши учун қўлимдан келганини қилгандим. Сен эса унинг бевақт ҳаётдан кўз юмишига сабабчи бўлдинг. Уйни ҳам, машина, дўконнинг ҳам калитини топширда-қайтиб қорангни кўрсатма, — дея уйидан қувиб солди. Тушкин кайфиятда остона ҳатлаб кўчага чиққан Нодир шу тобда Бахтиёрнинг аччиқ гапларини эслади...

## УЧИНЧИ ВОҚЕА

80-йиллар. Холматни бўлинманинг «кузур»лари у ёққа ўтишса, ҳам, бу ёққа ўтишса ҳам тепкилаб қўйишарди. У дашномларга унча-мунча киши бардош беролмасди. Қотмадан келган,паст бўйли Холмат қишлоқда ўсганлиги, ўрис тилини яхши билмаганлиги туфайлими, ёки бошқа сабабми бирор марта зобитларга зулм ўтказаётганлар устидан арз қилмасди. Бўлинманинг «оқсоқол»лари бир-икки уни пол ювишга мажбурлаб ҳам кўришди. Кўнмади, ҳақоратлашди. Лекин у уларнинг ўзбошимчалик, йўли орқали буйруқларига бўйин эгмади. Фақат ўз навбати келгандагина ҳарбий тартибга кўра бажарарди, холос.

Кунларнинг бирида Холмат оқсоқланиб, кўпчилик билан бир сафда қурилиш томон кетарди. Взвод командири ҳали қўшиқ айтишга, ҳали катта-катта қадам ташлаб, шаҳдам юришга буйруқ берарди. У эса оёғидаги оғриқ зарбига чидолмай сафдан ортда қолиб кетарди. Ниҳоят белгиланган ерга етиб келингач, командир ҳаммани ишга киришишга буйруқ қилди. Кўпдан бери уни кузатиб, баъзан унинг ёнини олиб юрган сафдоши Ғайрат бу ҳолга ортиқ чидолмай луқма ташлади:

— Билишимча, сен ёлғиз ўғил экансан. Устига-устак қишлоқда ёлғизгина кекса даданг қолибди экан, холос. Мана шундай қийналиб юргандан кўра, катталарга ариза бер, дарров «комиссоват» қилишади. Аслида сени ҳарбий хизматга нотўғри чақиришган, тушуняпсанми, — дея куйинди.

— Қани эди. Афсуски, ундай қилолмайман, — деди Холмат жиддийлашиб, дўстининг куйинишларига жавобан. — Бизни қишлоқда одат бошқача. Агар йигит киши ҳарбий хизматга бормаган бўлса хеч ким унга қизини бермайди. Қолаверса, мени ҳам дадам «ўғлим» деганлар. Бурчимни ўташим керак...

**Одилжон ИНОМОВ.**

*ТАҲРИРИЯТДАН: Мана азизлар! Сиз юқорида уч воқеа тафсилоти билан танишдингиз. «Йигит моли ерда» деган мақолга амал қилган йигит ғурурни муҳаббатдан устун қўйди. Гарчи муҳаббатнинг айрилиқлари азобласа-да, йигитлик ғурурининг оёқ-ости бўлишини хоҳламади. Кейингиси эса ўзингизга аён мол-дунё, деб ўз ғururидан, севикли маҳбубаси, фарзандларидан воз кечиб, виждон азобига қолди. Учинчи воқеанинг қаҳрамони ҳар қандай шароитда ҳам отасининг юзини ерга қаратмаслик, эл-юрт олдида йигитлик ғурурини покиза сақлашга қодир эканлигини кўрсатди.*

*Хўш, бугун-чи? Замондошларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ҳаммаси ҳам йигитлик ғурурига доғ туширмай, мустақил давлатимиз келгуси равнақи, келажагининг хоки-пойи бўлишяптими?! Минг афсуслар бўлсинким, баъзи — бир ота-она шарт-шароитлари етарли бўла туриб фарзандларини ҳарбий ҳизматдан олиб қолганлигидан фахрланиши мумкин. Аммо, халқнинг, Ватаннинг ҳимоячиси бўлишдан уялмай-нетмай қочиб юрган йигитларга эса баъзи замондошларимиз қиз беришмоқда. Оқибатда эса йигитлик ғурурини хис этмай қолган ёшлар тирик етимларнинг кўпайишига сабабчи бўлишмоқда.*

*Дарвоқе, кўча-куйда уч-тўрт кути сигарет сотиш билан умрини беҳуда ўтказаётган, тоғни урса талқон қиладиган йигитлардаги ғурур қани?! Наҳотки уялишмаса! Сиз нима дейсиз, азиз муштарий?*




*Юракдаги гаплар*

## БИРИНЧИ МУҲАББАТ

Муҳаббат! Сени қандай таърифлашни ҳам билмайман. Отабекни сарсон кездирган, Кумушни қон йиғлатган, Зайнабни не кунларга солган, Алишернинг қўлига қалам тутган, Фарҳод ва Ширинни яратган, Мажнунни биёбонларда тентиратган, Шавкатни Фирузидан айирган, Гўзални Дониёр йўлларига зор қилган, қўшиқчи торида яралган сеҳрли бир куйсан — сен.

О, муҳаббат! Сен буюксан. Сен ҳамма нарсага қодирсан. Кимларгадир бахт ато этасан, кимлардир сенга нафрат билан боқади. Бу эса сенга ҳузур бахш этади. Чунки сен ҳам кулдирувчи, ҳам куйдирувчи, ҳам ақлдан оздирувчи нарсаларга қодирсан.

Биринчи Муҳаббат! У инсонларни не куйларга солмайди. Кимнингдир хаёли паришон, кимдир тинмай қўшиқ куйлайдиган, яна бошқаси ўзини ойнага урадиган, бирови эса жаҳлдор ёки кулгич бўлиб қолади. Ҳа, сен инсонларни ана шу хусусиятларинг билан чалғитасан.

Биринчи муҳаббат! Қўл тегмаган тор, нозик бир кўза, тирналмаган юрак, ҳис-туйғуга тўсиқ оташ қалб.

Илк муҳаббат. 18 ёш. Бу ёшнинг ҳар бир куни жуда ҳаяжон билан кечади. Гоҳида кулиб, гоҳида йиғлаб ўтган дамлар. Бу ёшда инсон ҳамма нарсага қодир бўлади. Чунки унда илк муҳаббат уйғонган. Оллоҳ Таоло барчага севги-муҳаббат уруғини сочган ва барча шу уруғ мевасини татиб кўрган. Кимдир кичиклик пайтида бировга кўнгил қўйган, яна кимдир кексайганида. Лекин, илк муҳаббат мана шу 18 ёшда инсон қалбига мисоли оппоқ кабутардек кириб боради.

Биринчи муҳаббат инсонни бир умр қамраб олувчи, нозик юракнинг айнан ўртасидан жой олувчи муҳаббатдир. «Биринчи муҳаббат», мен сени сўнмас юлдузга ўхшатгим келади!!!

**Юлдуз САИДОРИФ қизи.**

*Турмуш чорраҳаларида*

## МЕНИ АЯ ДЕЙИШСА...

Пўлат акани биринчи марта эндигина институтни тамомлаб, ишга келганда кўргандим. Бир қарашдаёқ қўрс, баджаҳл киши сифатида таассурот қолдирганди менда. У талабалар поликлиникасида ишлагани учун тез-тез кўришишимизга тўғри келарди.

Орадан озгина вақт ўтиб, унинг уйланганини эшитдик. Бир-иккита ундан таклиф кутиб юрган қизлар лабларини буриб қолишди. «Шу барзангига ким ҳам тегибди?» деди бир шаддодгина қиз. Лекин... одам одам билан барибир учрашар экан. Бир куни уни кўчада хотини билан кўриб қолган қизлар беўрин гаплар қилишганини айтишди. Хотини жуда кўҳлик экан.

Оддий кунларнинг бирида хунук хабар тарқалди: Пўлат аканинг хотини туғруқхонада иккинчи фарзандини туғаётганда вафот этибди. Пўлат ака анча вақт кўринмай кетди. Кимдир уни гўдагига ўзи қараётганини айтиб қолди. Бир-иккита қизлар уйига боришга, гўдагига қарашга, ул-бўлга кўмаклашишга аҳд ҳам қилишди. Лекин... нима деб ҳам боришади? Қизлар бу учун ўзларида куч топа олишмади шекилли, бу ҳақда кейин гап ҳам бўлмади. Лекин орадан бир неча ой ўтиб ишга чиққан Пўлат ака курсимиздаги Гулнорага раҳмат айтишга келди. У тез-тез бориб, уй юмушларида кўмаклашиб турган экан. Лекин Гулнора бошқа бир йигитни севишини, агар у Пўлат аканикига бориб юрганини эшитса, катта жанжал бўлиши мумкинлигини билган қизлар Гулнорани койишди. Гулнора уларнинг бу койишларига ҳайрон бўлди.

— Жиннимисизлар, ахир унинг гўдаги бор-ку, эркак одамга қийин. Нимага ҳаёлларингга бошқа нарса келади?..

Қизлар барибир унинг айтганини маъқуллашмади.

Бу орада «Гулнора йигити билан уришиб қолибди. Энди уларнинг тўйи бўлмас экан» деган гап тарқалди. Ҳамма бунинг сабаби нимада эканлигини билгандай бўлди.

Лекин... орадан уч йил ҳам ўтиб кетди-ки, Пўлат ака уйланмас, фарзандлари билан жимгина яшаб юрарди. Бир-икки қистаганларга «болаларим сал оёққа турсин, ким билади қандай аёл учрайди» деган эмиш. Гулнора эса унинг болаларига шунчалик ўрганиб қолган эдики... Унинг изтироблари менгагина маълум эди. У дардини келиб менга айтарди.

— Пўлат аканинг болаларини қанчалик яхши кўришимни билсанг эди. Агар ўқиш тугаб, уларни қайта кўролмаслигимни ўйласам, кўз олдим қоронғулашиб кетади. Лекин... Пўлат ака жим. Ахир мен унга «сизга турмушга чиқай» дея олмайман-ку.

Бу гапни бошқалар ҳам айта олмайди. Пўлат аканинг ўзи жим бўлгандан кейин... Яна ҳаммасини кўра, била туриб...

Гулнора ўқишини тугатиб, ўз шаҳрига кетди. Кетар олдидан уйга келиб, яна юрагимни эзди.

— Қани энди унинг болаларига она бўлсам. Мени аяжон дейишса. Уларнинг қиёфаларини энди фақат кўз олдимга келтириб яшайман, шекилли. Эртага кетаяпман. Отаонам хабарлашди. Ҳамқишлоқ йигитдан совчи келаётганмиш. «Аввал йигитим бор, деб бизни алдадинг, энди бизга қўйиб берасан» дейишяпти. Уларнинг истагига қарши чиқолмасам керак. Ахир умидвор кишим ҳам йўқ-ку, умримни кутиш билан ўтказолмайман...

Кеча эса... Пўлат акани болалари билан кўчада кўриб қолдим. Унга Гулноранинг изтиробларини айтгим келди. Айтолмадим. билмадим тўғри қилдимми ёки...

**МУҚАДДАС, Самарқанд.**

*Сиз нима дейсиз?*

## «ОНАМДАН ВОЗ КЕЧАМАН...»

*Ота ўлса, кўнгил сўрарлар,*
*Она ўлса, кўнгил сўрарлар.*
*Фарзанд ўлса, кўнгил сўрарлар,*
*Бемор бўлсанг, кўнгил сўрарлар,*
*Ёр хиёнат қилса-чи?*

**Муҳаммад Раҳмон.**

Унинг кўнгли ўксик эди. Баъзида пана-панага ўтиб йиғлагиси, кўнглини бироз бўшатиб олгиси келарди. Бўғзидан отилиб чиқишга қийналган хўрсиниқ бутун баданига азоб берар, дилини бир пасда вайрон қиларди. Кимдир унга: «Отангни чақириб юборасанми?» деди.

У эса... Худди ток ургандек бир жойда михланиб, азойибадани музлаб кетди. Негадир, тили танглайида айланмай қолди. Гапирмоқчи бўлар, аммо қасдига олгандек овози бўғзидан чиқмас, ҳатто «йўқ» деган оддий сўзни айтишга ҳам мажоли етмасди.

Ҳақиқатан ҳам асл отасини танимас эди-да. Бунинг сабабини онасидан сўрашга иймана, «Нима деб сўрайман?», дея ўзига-ўзи қайта-қайта савол бераверар эди. У ҳам бошқалар каби: «Отажон, ишдан келдингизми, менгаям шаҳардан қизиқ-қизиқ китоблар олиб келиб беринг», дегиси келар, бироқ нега отаси ўгайлигининг сабабини ўзи ҳам англаб етавермасди.

... Баъзан тенгдошлари билан гижиллашиб қолганида «Бобомуроднинг отаси йўқ, ўлганми, қаёққа кетиб қолган?» деб сўрайвериб, унинг кўнгил ойнасини чилпарчин қилиб туришар эди.

... Саксон бешинчи йилдан бошлаб улар онасига қараганда ўн бир-ўн икки ёш каттароқ киши билан бирга яшай бошлашди. «Болам, мана шу киши сенга ҳам ота бўладилар. Ота, дегин, хўпми?» — деди боланинг онаси Тожиҳол.

Лекин, бу одам ўгай бўлсаям ҳаркалай тили ширин киши экан.

— Ўғлим, сенга нима олиб берай?

Боланинг бадани жимирлаб кетди.

— Ҳеч нарса, — деди бола секингина.

Негадир ийманди... Ўз отаси эмаслиги учунми, бола кўнглининг туб-тубида асраб қўйган сўзларни сиртига чиқаролмади.

Аммо, барибир улғайиб, бўйи чўзилган сайин ўгай бўлсаям «янги отаси»га бўлган меҳри ошиб кетаверди. Ундаги бу тотли туйғулар қаёқдан пайдо бўлди экан? Нега аслида бировнинг отасини-ўгай отани бунчалик яхши кўриб қолаётир? Эҳтимол, Тўхта ака Даминовда кишини сеҳрлайдиган бир илоҳий куч бордир?

Кунлар тез ўтар эди. Йиллар кетидан йиллар ўтаверди. Онаси боланинг «янги отаси»дан ҳам икки фарзандли бўлди. Уларнинг бирига яхши ниятлар билан Мунаввар деб исм қўйдилар. Эҳтимол, бир неча йиллик ёлғизликдан сўнг (эр-хотиннинг иккови ҳам илгари оилали бўлиб, кейинроқ ажрашган эдилар) бир-бири билан тақдир ипларини боғлашгач, кунлари янада ёруғ, ҳаёти мунаввар бўлишини исташгандир? Балки...

Иккинчи фарзандига эса Абдукарим деб исм қўйишди.

Кунлар фароҳбахш ўтарди. У онадош — ўгай укаларини еру-кўкка ишонмас, меҳр билан суярди.

Бир куни эса...

— Тилла тиш қўйдириб беринг, — деди Тожихол эрига эркаланиб.

— Майли, сен хоҳласанг, осмондаги ойни олиб беришим ҳам ҳеч гап эмас, — деди отаси меҳр билан. Шундан сўнг ота уларга ҳар куни сут, қатиқ ва сариёғ берадиган говмушни бозорга олиб бориб сотиб келди.

— Киссамда пулим бўлмаса, мана оғилда сигирим бор. Лекин, синган кўнгил ойнасини ямаб бўлмайди. Хотиним тилла тишни орзу қилибдими-ҳавасини бир қондирай!

Бир неча кундан сўнг Тожихолнинг тилла тишлари қуёш нурида ялтирай бошлади. Бундан ўзини қўярга жой тополмай қолди.

— Ярашипти. Анча чиройли бўп кетибсиз, кўз тегмасин, — дейишди ота-болалар хурсандчилигини яшириб ўтирмай.

...Кунлардан бир куни Бобомурод, бегона киши кайфияти чоғ ҳолда уйларидан чиқиб кетаётганлигини кўриб қолди. «Бу ким экан-а? Отам уйда бўлмаса, онамда нима ишлари бор экан?»

Нима учундир онаси ҳам яхши кайфиятда ўтирарди.

Бола ўн бир ёшга тўлган, оқ-қорани таний бошлаган, кўп нарсаларнинг фаҳм-фаросатига етар эди.

— Ҳа, Бобомурод, келдингми? Нимага қовоғингни уйиб юрибсан?

— Ўзим...

Бир куни ўша одам яна уларнинг уйларида ўйнаб-кулиб ўтирганини кўрди. Нега онаси бегона, бадбашара эркак билан бунчалик апоқ-чапоқ бўлади? Нима учун у киши отаси йўқлигида келиб-кетади? Бунинг сабаби нимада экан? Нега бу одамни кўрганида худди сигири эгиз туққандай онасининг кайфияти чоғ бўлаверади?

Бола бу ҳолни кўриб турар, аммо ўйлайвериб ўйининг тагига етолмас эди. «Отамга айтсаммикин? Афти беўхшов бегона бир эркак тез-тез онамнинг олдига келади, десам, уйда жанжал бўлмасмикан?»

У чўғ устида ўтиргандек безовта бўлар, икки ўт орасида қолганди. Айтса, онасидан балога қолиши тайин, бунинг устига... Ота-онаси ажрашиб кетишса... Ахир, у яна отасиз қолади-ку? Кейин кимни «Ота-отажон!» дея чақиради? Ота-онаси ёмон яшамаяптилар-ку? Уйда ҳамма нарса бўлса, онасига нима етмаяпти экан?

Бола кўнглини кимга ёришни билмас, агар сир ошкор бўлиб қолса, меҳрибон отасидан ажралиб қолишдан қўрқар эди.

Бир куни отаси билан бирга уйга келганларида кўнгли ниманидир сезгандек бўлди. Эшикни очишганда эса... қўрқинчдан сал бўлмаса бақириб юбораёзди. Не кўз билан кўрсинки, онаси ўша киши билан тўшакда...

Уларнинг кайфи чоғ. Ахир, онаси бошқа бировнинг — мана бу ёнидаги отасининг маҳрами-ку? Нега отаси тирик бўла туриб...

Ота бу кутилмаган ҳолдан саросимага тушиб қолди. Юзи қизариб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Бобомурод воқеа қандай тугашини ҳис қилиб турар эди. «Ҳозир отам онам билан бегона эркакни чавақлаб ташлайди!»

Йўқ, бундай бўлмади. Отаси ҳиссиётларига ортиқча эрк бермади, жаҳлини жиловлади. Фақат умрида биринчи марта хотинига қўл кўтарди. Қўлига тушган ўроқ билан дуч келган жойига бир туширди, холос.

Кейин эса... участка милиционерига учрашди.

Ҳаётнинг бу кутилмаган, аччиқ зарбасидан карахт бўлган ота анча вақт ўзини ўнглай олмай юрди. Ахир у хотинини еру-кўкка ишонмас, эди-да. Энди ажралишидан бошқа илож қанча? Лекин, уни ниҳоятда яхши кўрар эди. «Афсус, сен севганинг билан сени севмаса бекор экан!»

Туман халқ суди аҳвол билан танишгач, эр-хотинни ажратиш ҳақида қарор чиқарди. Суд жараёни кетаётган пайтда боладан сўрашди:

— Сен ўз онанг билан қоласанми?

— Йўқ, отам билан кетаман!

— Ахир отанг ўгай-ку! Ўз онангдан ҳам воз кечасанми? — деди кимдир шивирлаб.

— Ҳа!

Бола қалби ҳали ёруғ орзулар билан лиммо-лим эди. Ҳаётдаги айрим қабиҳликлар, эгриликларга ҳуши йўқ эди. Ҳаётни фақат нурдан, эзгу ҳислардан иборат, деб англарди.

Ахир... Ўз онасидан воз кечиш... Бундан ортиқ даҳшат бўлармикин? Нега Бобомурод онасини — ўз туққан онасини эмас, айнан ўгай отасиникида яшашни танлади? Эҳтимол, бу қарори билан ҳаётдаги баъзи чиркин, ифлос ҳодисаларга тупурдимикин? У китобларни ўқир, ҳинд кинофильмларини томоша қилар экан, отасиз, никоҳсиз туғилган болаларни кўриб нафрати қўзиб кетар, эри бўла туриб, бегона эркаклар билан айш-ишрат қиладиган кимсалар экран қаршисида гавдаланганда жаҳлдан чинқириб юборарди. Наҳотки ҳаёт фақат кайфу-сафодан иборат? Айрим аёллар «беш кунлик дунёда айшимни суриб қолай», деган ҳавойи ҳислар билан ўзини овутаётганлиги учун ҳам қўйди-чиқдилар, оилавий жанжаллар ҳалиям давом этмаяпти деган фикр хаёлдан ўтади.

— Бугун эса... Уйида фоҳишаларни сақлаган қўшмачи аёлни суд қиляпман, — деди судья.

— Бобомуроднинг тақдири нима бўлди?

— Қизиғи шундаки, суд қарори билан уч нафар фарзанднинг ҳаммаси онасининг эмас, балки отасининг қарамоғида қолдириладиган бўлди, — деди тажрибали ва одил адвокат.

— Чунки, бу аёл она деган номга муносиб эмас, — дейди туман прокурори ёрдамчиси.

Онамдан воз кечаман!..

Бу даҳшатли сўзни айтиш қанчалик оғир.

Тоғлар каби зил-замбил бу сўзларни тилга олган бола нималарни назарда тутди экан?

**Жовли ХУШБОҚОВ, «Туркистон»нинг ўз мухбири.**



Йигитнинг мар-ди от минади

*Кўнгил кўзгуси*

## ҚАЛБ ЖАВОҲИРЛАРИ

Биз афсус чекиб бўлдик. Афсус энди бизларни чексин.

***

Бўсанинг сурати қандай бўлади? Қизилми? Пуштими? Нафармонми? Менимча, у оловнинг рангида бўлади.

***

Телефон жиринглаганда қўрқиб кетаман, сенинг номингни адаштириб айтиб юборишдан чўчиган янглиғ.

***

Муҳаббат! Мен сенингмас, Сен менинг тузоғимга илиндинг. Энди ҳеч жойга қочиб қутулолмассан. Чунки тузоқнинг бир учи юрагимга боғлаб ташланган. Мабодо унида суғуриб олсанг ҳалолинг бўлсин. — Сен озодсан!

***

Менга «ўзгариб кетибсиз» дема, мен ўзгарганим йўқ — ўшаўшаман. Фақат... сенинг қарашларинг ўзгарган бўлиши мумкин.

***

Никоҳ нима? Чегарами, темир тўсиқми? Баъзан менга у қароқчиларнинг афандини айлантириб қўйган доира чизигидек туюлади. Зеро, Муҳаббат ҳам, Меҳр ҳам чексиздир, чегарасиздир.

***

Симёғочга суяндим — синди, чинорга таяндим — мўрт экан, тоғга ёнбошлагандим — чўкиб кетди. Тик оёқда бир умр яшаб бўлмаслигини билсанг... мени қийнамоқдан не наф?

***

Мен сендан ўзга ҳамроҳ тополмадим. Ёзганларимни шамолга айтдим — элга ошкор қилди, Ойга айтдим — ўн беш кунлик бардоши бор экан. Юлдузларга айтдим — тинглай туриб кўзини қисди.

— Мен сендан ўзга ҳамроҳ тополмадим.

***

Сен худди туманга ўхшайсан, кўриб тураману бағримга босолмайман.

***

Сен нуқул осмонда юрасан — оёғинг ерга тегмайди. Ва афсуски, бошинг ерда эканлигини ўзинг билмайсан.

***

Сенинг зулфларингдан дор ясасалар, жувонмарг кетишга тайёрман!

***

Биламан, бир куни барибир ҳузуримга қайтиб келасан. Аммо бир нарсани билмайман. Ўша пайтда қўлингда гул бўладими ёки ханжар...

***

Мен сени ойга ўхшатдим — ботиб кетдинг, гулга ўхшатдим — пайҳон қилдилар, асалим дедим — ялаб қўйишди, гавҳарим дедим — чўнтакка урдилар. Исминг нима ўзи сенинг, Муҳаббат!

**Эсирган БОЛИЕВ.**

